



MILLIY TIKLANISH

1 (537) ● 2019 йил 9 январь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида 8 январь куни жорий йилги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Фаол инвестиция сиёсати барқарор иқтисодий тараққиётга эришишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2019 йил мамлакатимизда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили", деб эълон қилинди.

2019 йилги Инвестиция дастурига 16,6 миллиард долларлик 3 мингдан зиёд лойиҳа киритилган. Бу 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўпдир. Жумладан, жорий йилги Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 3,2 миллиард доллар бўлган 140 та

ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Видеоселектор йиғилишида ушбу йирик ва муҳим лойиҳаларни ўз муддатида ва сифатли амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, хорижий давлатлар ва инвесторлар билан фаол иш олиб борилаётгани натижасида жами инвестицияларнинг 25 фоизини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этмоқда. Хусусан, жорий йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги 320 та лойиҳа доирасида 4,2 миллиард дол-

лар ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Президент тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни сўзсиз амалга ошириш, чет эллик инвесторларга ҳар томонлама ёрдам бериш ҳукуматнинг энг муҳим вазифаси бўлиши кераклигини таъкидлади. Инвестицияларнинг асосий қисмини ўзлаштиришни йилнинг охирига ойларига суриш амалиётига чек қўйиб, барча тармоқлар ва ҳудудларда бунини биринчи ярим йилликда камида 35 фоизга, тўққиз ойликда 70 фоизга етказиш зарурлиги қайд этилди.

2-бет ➔

Муносабат

ТУРИЗМ РИВОЖИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

Мамлакатимизда туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилиб, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш устувор вазифага айланган. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2018 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари билан мазкур соҳада бошқарув тубдан такомиллаштирилмоқда, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорига кенг тарғиб этиш, мазкур соҳага инвестицияларни фаол жалб қилиш, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мазкур тизимдаги ишларни янада юқори bosқичга кўтарилади. Мазкур фармонга кўра, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси ҳамда ушбу Концепцияни амалга ошириш бўйича 2019 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

3-бет ➔

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА СЕКТОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадда ҳудудларни секторларга бўлиб ишни ташкил этиш тизимининг жорий этилганлиги халқ билан манзилли мулоқотнинг йўлга қўйилишига имкон яратди.

Шу билан бирга, ҳудудларни комплекс ижтимо-

ий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда секторлар деб юритилади) фаолияти мониторинги бир қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан:

Биринчидан, секторлар фаолиятида аниқланган муаммоларни бартараф этиш ҳамда сектор аъзолари фаолиятини мувофиқлаштиришда сектор раҳбарларининг зарур ташкилий ва молиявий ваколатларга эга эмаслиги секторларнинг тўлиқ фаолият юритишида ҳамда муаммоларни

ўз вақтида ҳал этишда қийинчиликлар туғди-
рмоқда;

Иккинчидан, республика миқёсида секторлар ишини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи ягона тизимнинг мавжуд эмаслиги секторлар фаолияти бошқарувида тарқоқликни юзага келтирмоқда ҳамда ҳудудларда секторлар фаолиятига оид қонун ҳужжатлари нормаларининг турлича талқин қилинишига олиб келмоқда;

2-бет ➔

Муносабат

СИЁСИЙ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР амалга оширилади

Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарига тақдим этган Мурожаатномаси давлат ва жамият олдида турган долзарб вазифаларнинг дастуриламалига айланиб бормоқда. Шу боис Мурожаатнома мамлакатимиз сиёсий-ҳуқуқий тарихида муҳим аҳамият касб этадиган воқеага айланди. Давлат бошқарувининг бундай демократик усули, бугун юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, аввало, халқ билан мулоқот принципига ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, ҳар биримизнинг иш фаолиятимиз самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу боис Президентимиз Мурожаатномани парламент вакиллари тимсолида бутун халқимизга йўллаб, бир қатор муҳим масалаларга аҳамият қаратди.

Давлатимиз раҳбарининг, айниқса, парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини

назорат этиш фаолиятини жонлантириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб, Вазирлар Маҳкамаси

аъзоларини Олий Мажлис томонидан тасдиқлаш амалиётини киритишни таклиф этгани кўпчилик депутатларнинг юрагидаги гап бўлди. Чунки айни пайтда Конституцияга мувофиқ парламент фақат Бош вазирни тасдиқлайди.

Лекин вазирларни лавозимга қўйишда қатнашмагани боис ҳукумат аъзолари парламент олдида масъулиятни етарли даражада ҳис этмаслиги маълум эди. Эндиликда бўлажак вазирнинг парламент аъзолари олдида соҳани ривожлантириш бўйича дастурини ҳимоя

қилиши ва унга эришиш йўллари асослаб бериши ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга, бир еқадан бош чиқариб ишлашга ундайди.

Шунингдек, Президентимиз 2019 йилдан бошлаб Мурожаатномада баён қилинган ҳар бир устувор йўналиш бўйича бажарилган ишлар ҳақида олий вакилик органларида ҳисоботларни эшитиш амалиётини йўлга қўйиш зарурлигини қайд этди: "Биз янги йилдан бошлаб сиёсий ҳаётимизда янги бир амалиётни жорий этамиз.

3-бет ➔

14 январь — Ватан химоячилари куни

ВАТАНПАРВАРЛИК — МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ТИЗИМИНИНГ АСОСИ

Мамлакатимизнинг ёшларга оид миллий тарбия тизимида ватанпарварлик, Ватан туйғуси, Ватанни севиш каби тушунчалар энг муҳим саналади. Ана шу негиз тушунчалар онгу-шууримизга, аввало, оиладаги тарбия жараёнида синдирилади. Ушбу кадрятлар кейинчалик мактабга таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва ихтисослашган таълим-тарбия ўчоқларида ҳар томонлама сайқал топиб, мустаҳкамлаб борилади.

Президентимизнинг 2018 йил 12 декабрда қабул қилинган "Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан соҳага давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилиши натижасида ҳарбий хизматга чақирилувчи йигитларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича пухта тайёрлаш, маънан етук ва жисмонан соғлом шахсни камол топтириш соҳасида муайян ишлар амалга оширилмоқда, спорт, шу жумладан, унинг техник ва амалий турлари билан шуғулланиш учун қулай шарт-шароитлар яратилаётди.

5-бет ➔

ОБУНА-2019

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 158

Газетамизга обуна давом этмоқда!



Миллий кадрятларимизни эъзозлаш, глобаллашув даврида халқимиз, айниқса, ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида замонавий қараш ва турли фикрлар чорраҳаси учун муносиб минбар бўлган "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Ортиқали ҚОЗОҚОВ.
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

Янги руҳи: Депутат ҳисобот беради

ТУРСАНГ СЎЗИНГДА — ҲУРМАТ ЎЗИНГДА депутатлар сайловда ваъдаларини бажардимми?

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида оммавий ахборот воситаларида "Прокурорнинг бир иш куни", "Ҳокимнинг бир иш куни" каби турли кўрсатув ва чиқишлар пайдо бўлди. Бу турли бўғиндаги раҳбарларнинг иш фаолиятини оммага очиқ-ошкора етказиш имконини бермоқда. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларининг бир йиллик фаолиятига батафсил тўхталиб, уларнинг ташаббус ва ислохотлар жараёнидаги иштироки хусусида суҳбатлашиш мақсадида газетамизда янги — "Депутат ҳисобот беради" руқни ташкил этилди. Мазкур руқнинг ilk иштирокчиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Нодир Мухторов билан бўлган сарҳисоб мулоқотни ҳукмингизга ҳавола этамиз.

— Депутат, энг аввало, сайловчилари олдида ҳисобот бериши вакиллик институтининг табиатиға хос. Қолаверса, оммавий ахборот воситалари орқали ҳисобот бериш ҳам халқ ва сайловчиларга ҳисобот беришнинг бир кўринишидир. Шу нуқтага назардан сизни 2018 йилда амалга оширган ишларингиз ҳақида ҳисобот шаклидаги мулоқотта таклиф этдик.

Депутат қонун ижодкорлигининг муҳим ва асосий субъектларидан бири ҳисобланади. Шу маънода, аввало, ўтган йилдаги қонун ижодкорлиги фаолиятингиз ҳақида тўхталиб ўтсангиз. — 2018 йилда Қонунчилик палата-



қонун лойиҳаларига масъул бўлдим. Хабарингиз бор: 2018 йилнинг 12 апрель куни "Давлат мукофотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

4-бет ➔



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Кириб келаётган йилнинг бош хужжати бўлган Мурожаатномада баён қилинган ҳар бир устувор йўналиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида Бош вазир ҳукумат аъзолари билан бирга Сенат ва Қонунчилик палатаси олдида ҳар ойда ҳисобот бериб

қониятини кенгайтиради.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг Олий Мажлиси палаталарига тақдим этган Мурожаатномаси мамлакатимиз ҳаётининг энг муҳим йўналишларини белгилаб берди. Мазкур Мурожаатномадан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда фракцияси

сига киритишни режалаштирмакда. Шунингдек, фаол инвестицияларни ривожлантириш мақсадида Миллий иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ мuddатли Стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқиш, бунда ривожланишнинг натижавий мақсадлари, иқтисодий ўсишнинг сифат кўрсаткичлари, устуворликлари, молиявий манбалари ва

СИЁСИЙ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР

амалга оширилади

боради". Эътиборлиси, бу жараённинг оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилиши, шу тариқа фуқаролар Мурожаатномада белгиланган вазифалар ижроси бўйича олиб борилаётган ишлардан хабардорлигини таъминлаш имкони яратилиши айнани муддао бўлади.

Жойларда партия ташкилотларининг депутатлик ўринлари учун муносиб баҳс олиб бориши, қолаверса, партия гуруҳларининг эмин-эркин фаолият юритиши, кўтарайётган масалалари юзасидан халқ депутатлари Кенгаши сессияси қарорларининг қабул қилинишида ҳокимнинг Кенгаш раиси эканлиги маълум маънода салбий таъсир кўрсатар эди. 2019 йилда ушбу тартиб бекор қилинаётганини кўпчиликини ўйлантираётган масалага ижобий яқун бўлди, дейиш мумкин. Ва бу ўзгариш партия гуруҳлари орасида соғлом рақобатни шакллантиришга хизमत қилади, энг муҳими, депутатларнинг жойларда маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари фаолиятига оид камчиликларни очик-ойдин ўртага ташлай олиши им-

Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар бўйича амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди ва айнани пайтда Давлат дастури лойиҳаси юзасидан тақлифларини билдиришда фаол иштирок этмокда. Жумладан, фракция ташаббуси асосида Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси билан ҳамкорликда "Uzbekistan Airways" ва "Ўзбекистон темир йўллари" компаниялари раҳбарларининг Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини оширишда замонвий логистика йўналишларини кенгайтириш тўғрисида"ги ахборотларини эшитиш режалаштирилмокда. 2019 йилда ҳокимнинг айнани вақтда халқ депутатлари Кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатишига доир тартиб бекор қилиниши борасида фракцияимиз янги таҳрирдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари тўғрисида"ги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Қонунчилик палата-

омиллари, иқтисодийдта дуч келиниши мумкин бўлган юқори хавф-хатар ва рискларни аниқлаш, инвестицияларни йўналтиришда асосий урғуни саноатнинг қайта ишлаш ва истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга қаратиш каби аниқ йўналишлар партия диққат марказида бўлади.

Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари томонидан Мурожаатнома мазмун-моҳиятини кенг аҳоли қатламига етказиш мақсадида туркум учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилади. Мурожаатномада кўзда тутилган мақсад-вазифаларни амалга ошириш ҳамда 2019 йилги Давлат дастури лойиҳасини янада пишиқ ва пухта қилиб тайёрлашда партияимиз ва депутатлар фаоллик кўрсатади. Зеро, бугун мамлакат тақдирини дахлдор барча масалада биздан фақат ташаббускорлик ва фидоийлик талаб этилади.

Сарвар ОТАМУРАТОВ,
Ўзбекистон "Миллий тикланиш"
демократик партияси
Марказий кенгаши раиси

ТУРИЗМ РИВОЖИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КўТАРИЛАДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Шу билан бирга соҳага оид бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мақбул ва қулай туризм муҳитини яратиш, транспорт логистикасини ривожлантириш, ички ва ташқи йўналишларни кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш, туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм махсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, республика ичида туризм хизматларига бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган туризм фаолияти субъектларининг фаоллигини рағбатлантириш таъминловчи ички туризмни ривожлантириш каби долзарб вазифалар соҳа раванқида муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, туризм тармоғи учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш вазифалари ҳам белгилаб берилган.

Таъкидлаш жоиз, мазкур жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси нафақат фаол иштирокчи, балки ташаббускор бўлишга интилмакда. Партия мамлакатимизда туризмни, сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилиши устидан парламент ва депутатлик назоратини амалга ошириш, жойларда бу борада олиб борилаётган ишларни ўрганиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш, умуман, юртимизнинг туризм салоҳиятини

янада юксалтириш борасида аниқ саъй-ҳаракатларни амалга оширишга бел боғлаган.

Навоий вилоятида ҳам туризм салоҳиятини янада ривожлантириш учун тизимли ишлар амалга оширилмокда. Хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Навоий вилоят кенгаши ўтган давр мобайнида худуддаги туристик масканлар, маданий мерос объектлари, меҳмонхоналар, худуднинг йўл инфратузилмаси, Навоий халқаро аэропорти ва темир йўл вокзаллари туристлар учун яратилган шарт-шароитларни ўрганди. Шунингдек, 2018 йилнинг 5 июнь кунги халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши сессиясида ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантириш таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва 2017 йил 16 августдаги "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси ҳамда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган эди. Унинг асосида вилоятда дам олиш ва туризм хизмати кўрсатиш масканларини ташкил этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Янги 2019 йилнинг илк кунларида Навбахор туманининг Сармишсой дарасида дам олиш маскани фойдаланишга топшилди. Дам олиш ва туризм хизмати кўрсатиш маскани-

нинг очилиш тадбирида мамлакатимизда туризмни ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, бу борада вилоятда ўтган давр мобайнида фойдаланишга топширилган туризм масканлари хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди. Таъкидлаш жоиз, ўтган йилда Нурота туманида барча қулайликка эга янги меҳмонхона қурилиб, фойдаланишга топшилди, туманининг Сентоб қишлоғида хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун кенг шароит яратилди. Сармишсой ва Айдаркўл атрофида сайёҳликнинг янги тур ва маршрутлари ташкил этилди, оилавий дам олиш маркази қурилди. Навбахор туманида эса туризм хизмати маркази янгидан қад ростлади.

Мухтасар айтганда, туристик ресурслардан унумли фойдаланиш ва хизмат кўрсатадиган инфратузилmani юқори савияга олиб чиқиш бугунги давр талабидир. Бунда замонвий меҳмонхоналар қуриш, сайёҳларга қўшимча шарт-шароит яратиш, туристик шохобчаларни янада кенгайтириш, туроператорликни ривожлантириш, чет эллик ҳамда маҳаллий саёҳатчилар оқимини янада кенгайтириш, тарихий ёдгорликлар ва обидаларни қайта таъмирлаш, туристларга транспорт, таржimon ва экскурсовод хизматлари кўрсатишни яхшилаш ҳамда малақали кадрлар тайёрлаш соҳа ривожини муҳим омил саналади.

Илҳом РАЖАБОВ,
ЎзМТДП Навоий вилоят
кенгаши раиси

АСОСИЙ МАҚСАД — ХАЛҚ РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ

Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасини ҳаммамиз катта ҳаяжон ва зўр иштиёқ билан тингладик. Унда давлатимиз раҳбари мамлакатимизда 2018 йилда амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, 2019 йилда қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар ва асосий йўналишларни белгилаб берди. Мурожаатномада ҳар бир соҳа чуқур таҳлил қилинди, Ватанимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги асосий тамойиллар баён этилди.

Таъкидланганидек, 2018 йилда аҳолининг реал даромадлари 2017 йилга нисбатан 12 фоиз ошди, соҳаларнинг прогностдан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан худудларда 5,5 триллион сўм қўшимча маблағ қолдирилди, бу ўтган йилга нисбатан 6, 2016 йилга нисбатан эса 32 баробар кўп дегани. Шу боис юртимизда аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, муаммоларини ҳал этишга устувор аҳамият қаратиб келинмокда. Одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашини учун қулай шароит яратиш давлатимизнинг доимий эътиборида бўлаётди. "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 416 та қишлоқ-маҳалла янгича қиёфа касб этди, йиллар давомида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳал этилиб, қишлоқлар аҳолисининг турмуш фаровонлигини тубдан ўзгартирилди. "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури, "Ёшлар — келажакимиз" Давлат дастури ҳаётга изчил татбиқ этилгани натижасида худудларда бир қанча оила вақиллари, ёш йигит-қизларимиз ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди, янги иш ўринлари яратилди.

Президентимиз бу борадаги ишларни мантиқий давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида 2019 йилни мамлакатимизда Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили, деб эълон қилди. Буни

эшитиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Чунки инвестицияларни кенг жалб этиш орқали барча соҳани янада ривожлантириш, худудларда ўз ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш имкони янада кенгайдди. Шу билан бирга, инвестицияларнинг кириб келиши, ўз навбатида, ижтимоий соҳа ривожини ва муаммолар ечимига ҳам хизмат қилади.

Шу ўринда қайд этиш керак, биз депутатлар жойларда аҳоли билан мулоқот қилиб, Мурожаатномада илгари сурилган мақсад-вазифалар, одамларнинг ҳаёт шароитини яхшилаш бўйича белгилаб берилган аниқ чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб-ташвиқ қилишимиз, фуқароларга атрофича тушунтиришимиз лозим. Зеро, аҳолининг ислоқотлар моҳиятини чуқур англаб этиши кўзда тутилаётган таррақийга эришиш омилларидан бири, десак янглишмаган бўламиз.

Аҳмадҷон БОБОЕВ,
халқ депутатлари
Сурхондарё вилоят
Кенгашига
ЎзМТДПдан сайланган
депутат



Фракция позицияси

ЯЙЛОВЛАР ҲОЛАТИ НЕГА ЁМОНЛАШИБ БОРМОҚДА?

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ййғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ҳаётининг турли жабҳасига оид бир қанча қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Қонун лойиҳалари қуйи палата мажлисига қадар сиёсий партиялар-фракциялари, жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ййғилишида ҳам қизғин муҳокама этилган эди. Қўрилган қонун лойиҳалари бўйича фракция аъзоларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Алишер ҲАМРОЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:



— Фракцияимиз ййғилишида "Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида"ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси атрофича муҳокама этилди.

Маълумки, озодликдан маҳрум этиш жойларидан чиққан фуқароларни маъмурий назорат қилиш, уларнинг жиноятга қайта қўл уришининг олдини олиш муҳим масала. 2016 йил маълумотларига қўра, 93,1 мингга яқин жиноятчининг 10 фоизидан кўпи илгари жиноят содир этган. Умуман олганда, ушбу шахслар томонидан содир этилган жиноятлар сони рўйхатга олинган барча жиноятларнинг 7 фоиздан кўпини ташкил этган. Барча рецидив жиноятларнинг 35 фоиздан ортиги қотиллик, ўғирлик, босқинчилик, талончилик, безорилиқ, фирибгарлик ва ғиртан жароҳати етказишдир. 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахслар томонидан тақрорий содир этилган жиноятлар умумий жиноятлар сонининг 25 фоизидан кўпини ташкил этган.

Бундан кўринадики, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод этилган шахсларни маъмурий назоратга олиш зарурати, тартибга солуви тизимда "назорат" тушунчасини чекламаслик, айнани пайтда вақтида зарур чоралар кўриш лозим. Бунинг учун назорат остида турувчи шахслар ҳамда ички ишлар органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонунчилик даражасида мустақамлаш зарур. Бу эса, ўз навбатида, ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни аниқ тартибга солиш механизми сифатида хизмат қилади. Рецидив ва бошқа жиноятларнинг олдини олишда самарали восита бўлган маъмурий назорат институтини янада такомиллаштириш лозим.

Мазкур қонун лойиҳаси ана шуларни инобатга олган ҳолда ички ишлар органларининг ушбу йўналишдаги фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган.



Жолдасбай АБДУЖАМИЛОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Ҳозирги кунда яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасига оид муносабатлар бир қатор қонунлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги қонунни, шунингдек, ўндан ортқ қонуности механизми сифатида хизмат қилади. Рецидив ва бошқа жиноятларнинг олдини олишда самарали восита бўлган маъмурий назорат институтини янада такомиллаштириш лозим.

Шу муносабат билан ишлаб чиқилган "Яйловлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасига қўра, яйловлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви ҳамда тегишли органларнинг ваколатлари белгиланмокда. Яйловлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ, мажбуриятлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг яйловлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш таъминлашдаги иштирокини белгилаш назарда тутилмокда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан мамлакат умумий ер майдонининг қарийб ярминини ташкил этадиган яйловлардан оқилона фойдаланишининг ташкилий-ҳуқуқий механизми яратилади, соҳада давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари белгиланади. Шунингдек, озик-овқат махсулотлари захирасини, аҳолига гўшт ва сут махсулотларини етказиб беришни кўпайтириш ҳамда уларни экспорт қилиш учун янги имкониятлар яратилади. Чорвачиликда яйловлардан фойдаланишининг меъёрлари белгиланади, яйлов ерларининг ҳолати яхшиланади.

Мухтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистон халқи ҳамда жонажон
Ватанимизни ҳимоя қилишдек ғоят
шарафли ва масъулиятли вазифани
адо этаётган мард ўғлонларни*

14 ЯНВАРЬ

—

**Ватан
ҳимоячилари
куни**

билан муборакбод этади.

*Барчангизга мустаҳкам
соғлик, оилавий бахт-
саодат, жанговар ва
олижаноб фаолиятингизда
зафарлар тилаймиз.*



Кўшма йиғилиш

ПИШИҚ, ПУХТА ДАСТУР — САМАРАЛИ ФАОЛИЯТНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ



Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Кўшма йиғилишда партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қиладиган, фаолиятимизда ассосий дастуриламал ҳужжатдир, — деди партия етакчиси. — Мурожаатномада юртимизнинг ички ва ташқи сиёсатида энг муҳим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди. Шу асосда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳада мамлакатимизни демократик ривожлантириш, Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, иқтисодийтни либераллаштириш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, энг муҳими, оддий одамлар учун фаровон турмуш шароитини яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу муҳим вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг жами 6 банд, 30 вазифадан иборат амалий чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди. Дастурда бу йил бўлиб ўтадиган сайловларни самарали ташкил этиш билан боғлиқ бир қатор вазифалар ҳам ўз аксини топди. Жумладан, айни пайтда тай-

ёрланаётган Сайлов кодекси парламент куйи палатаси муҳокамасига киритилганидан кейин уни такомиллаштириш жараёнида партия ташкилотларимиз ва депутатлар ўз таклифлари, мулоҳазалари билан фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳамда "Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан парламент ҳамда депутатлик назоратини ўрнатиш борасида ҳамда маданият соҳасида бир қатор вазифалар белгиланди. Бир сўз билан айтганда, ушбу Дастурда партиянинг дастурий мақсад-вазифалари ва асосий ҳамда Мурожаатномада сиёсий партиялар олдига қўйилган вазифалар ижросини сифатли ва самарали таъминлаш борасидаги амалий чора-тадбирлар ўрин олган.

Кўшма йиғилишда қайд этилганидек, ЎзМТДП фракцияси аъзолари қонун ижодкорлиги йўналишида бу йил ҳам фаоллик кўрсатишга интилади. Хусусан, партия ва фракция Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда кенг жамоатчилик, соҳа мутахассислари ва экспертларни жалб этган ҳолда "Маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳасини қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг янги таҳририни ҳамда "Маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳасини, шунингдек, фракция аъзоларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги "Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишни режалаштирган. Шунингдек, маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга ажратиётган маблағларни ўз вақтида ўзлаштириш ва сарфлаш устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш бўйича вазифалар ўз аксини топган.



Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари:

— Бугунги кўшма йиғилишда партия ва фракциянинг чора-тадбирлар Дастури юзасидан аниқ таклиф ва мулоҳазалар илгари суриди. Таъкидлаш жоизки, Дастурда кўзда тутилган ҳар бир вазифа юзасидан "Йўл харитаси" ишлаб чиқилади ва унда бугунги таклифлар акс эттирилади. Партия ва фракциянинг амалий чора-тадбирлар Дастурида "Ёшлар — келажакимиз" жамғармаси томонидан ёшларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, жамоат жойларида бепул "Wi-Fi" ҳудудларни ташкил этиш чораларини кўриш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, миллат генофондини сақлаш мақсадида тиббий хизмат сифатини яхшилаш каби мақсад-вазифалар белгиланган. Шунингдек, болалар мусиқа таълими тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, Ўзбекистонда гилам музейини ташкил этиш, "Маърифий ислом" мазмун-моҳиятини фаол тарғиб қилиш, миллий ахборот маконини ҳимоя қилиш бўйича Интернет тармоғида миллий контентни ривожлантириш каби бир қатор вазифаларни амалга ошириш ҳамда таклифлар ишлаб чиққан ҳолда тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларининг диққат марказида бўлади. Энг муҳими, белгиланган мақсад-вазифаларни амалга оширишда партия ташкилотларимиз ва депутатлик бирлашмалари фаол ва ташаббускор бўлиши лозим.

Сарвар НАЗАРҚОСИМОВ, ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши раиси:

— Бугунги шиддатли давр ҳар биримиздан амалий ишларга ўтишимизни талаб этмоқда. Шу маънода давлатимиз раҳбари парламентга тақдим этган Мурожаатномада бир қатор долзарб вазифалар илгари сурилди. Жумладан, 2030 йилгача урбанизация жараёнларини бугунги 35 фоиздан 60 фоизга етказиш вазифаси белгиланди.

Дарҳақиқат, бугун қишлоқларни ободонлаштириш, замонавий уй-жойлар барпо этиш, шаҳар шароитидан кам бўлмаган шарт-шароитларни яратиш, қишлоқ жойларга ишлаб чиқариш, саноатни олиб кириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мурожаатномадан келиб чиқиб, бу борадаги ишлар келгусида янада жадал тус олади. Мана шу жараёнда биз ЎзМТДП вакиллари ҳам партия сайлововди Платформасидан келиб чиққан ҳолда қурилиш-бунёдкорлик ишларида миллий дизайнга алоҳида эътибор қаратилишини илгари суришимиз лозим. Буни партия ва фракцияимизнинг амалий чора-тадбирлар Дастурига ҳам киритиб, доимий назоратни йўлга қўйсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шерзод НУРМАТОВ, ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари:

— Мамлакатимизда иқтисодийнинг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилиб, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш устувор вазифага айланган. Туризмга оид қатор ҳуқуқий ҳужжатлар билан соҳада боқарув тубдан такомиллаштирилмоқда, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорига кенг тарғиб этиш, мазкур соҳага инвестицияларни фаол жалб қилиш, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси нафақат фаол иштирокчи, балки ташаббускор бўлишга интилиши зарур. Партия соҳага оид меъриёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилиши устидан парламент ва депутатлик назоратини амалга оширмоқда, жойларда бу борада қилинаётган ишларни ўрганимоқда. Келгусида ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада жонлантириш мақсадида амалий чора-тадбирлар Дастурига замонавий меҳмонхоналар қуришда ушбу лойиҳа ташаббускорларининг режаларини ўрганган ҳолда, маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига киритиш ва ижросини назорат қилиш, туристик шохобчалар сонини кўпайтириш, сайёҳларга транспорт, таржимон ва экскурсоводлар хизматлари кўрсатилишини яхшилаш ҳамда малаkali кадрлар тайёрлаш, ҳудудларда соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган омилларни бартароф этиш борасида амалий ишлар кўламини кенгайтиришга доир таклифлар билдирдик.

Ватанпарварлик — олий қадрият

"АРМИЯ ВА ХАЛҚ — БИР ТАНУ БИР ЖОН!"

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ЎзМТДП ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларида фаол иштирок этди



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ҳамда Миллий гвардия ҳамкорлигида ҳарбий қисмда "Мардлар кўриқлайди, Ватанни!" мавзусида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбир ҳам сана муносабати билан ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Миллий гвардия ходимлари, партия фаоллари ва журналистлар иштирок этди.

— Она Ватанимизга садоқатли бўлиш, аждодлар меросига қизиқиш, миллий маънавиятдан баҳрамандлик, ўзига ишонч, келажак олдида маъсуллик туйғуларини ривожлантиришда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта, — деди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси ўринбосари, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Алишер Ҳамроев. — Бунда Президентимизнинг "Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда

яхлитлиги, барқарор ривожланиши ва халқимиз тинчлигини таъминлашнинг гаровига айланмоқда. Миллий армия жамиятнинг ажралмас қисми, ўсиб келаётган еш авлод ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг фаол ҳаётий позициясини мустаҳкамлаш, мамлакат келажаги учун фуқаролик масъулияти ҳиссини оширишга хизмат қилувчи етакчи институт вазифасини ўтаётди.

— Давлатимиз раҳбари қарор ва фармойишлари асосида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган "Йўл харитаси" ҳамда 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида спортнинг техник ва амалий турларини янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти бошлиги ўринбосари, адлия майори Мирафзал Миратулов. — Буларнинг барчаси яқин-йироқ минтақаларда халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бораётган бир вақтда, эҳтимолий таҳдидларга қарши муносиб зарба беришга тайёр бўлишимизда, энг муҳими, Ўзбекистоннинг тинч ва барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, муудофаа тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган ассосий мақсад мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш, халқимиз тинчлигини таъминлашдир.

Тадбирда ҳарбийлар ҳамда партия фаоллари ўртасида Амир Темури ҳарбий санъатига оид викторина ва армрестлинг бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Ғолибларга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг эсдалик совғалари топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасини Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишига асосан 2018 йилнинг 15 декабридан 2019 йилнинг 15 январигача ватанпарварлик ойлиги эълон қилиниб, жойларда давра сўхбати, маданий-маърифий мулоқотлар бўлиб ўтмоқда. Халқ депутатлари Яшнобод туман Кенгашига

ва осуда ҳаётини ҳимоя этишга шай бўлган мард ва фидоий, интеллектуал жиҳатдан юксак кадрлар келади, — деди шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи Бахтиёржон Эргашалиев. — Мен ҳам миллий армиямизда ўз йигитлик бурчимни ўташ жараёнида Ватан, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилиш муқаддас бурч эканлигини англаб, фаолиятимни давом эттиришни мақсад қилдим. Юртимизда ҳарбий соҳа тубдан ўзгармоқда, унинг таркиби ва воситалари замонавийлашмоқда. Зеро, бундан шу юртнинг фарзанди сифатида ҳар қанча фахрланса арзийди.

Тадбирда Ватанни ҳимоя қилиш ёши, фаолият соҳаси ва касбидан қатъий назар ҳар бир фуқаронинг шарафли бурчига айланмоғи лозимлиги таъкидланди. Ўзбек Миллий академик драма театри ва Муқимий номидаги мусиқали театри актёрлари ҳамда Республика эстрада-цирк коллежи ўқувчиларининг чиқишлари барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Якунда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг тарғибот-ташвиқот ишларида фаол қатнашган ҳарбий қисми хизматчиларига Яшнобод туман Кенгашининг ташаккурномаси ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ватанпарварлик ойлиги доирасидаги тадбирлар барча ЎзМТДП ҳудудий кенгаши ташаббускорлигида бўлиб ўтди.

Умида УЗОҚОВА, "Milliy tiklanish" мухбири



ЎзМТДП сайланган депутатлар гуруҳи ташаббуси билан тумандаги ҳарбий қисмда ҳам ана шундай тадбир ташкил қилинди. Тадбирда Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида ўтказилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти, ундан қўзланган мақсад, юртимизнинг бугунги ҳарбий салоҳияти хусусида сўз борди. — Армия сафига, энг аввало, мустақил Ўзбекистонимизга সিқидилдан хизмат қиладиган, ҳар қандай шароитда унинг манфаат ва сарҳадларини, халқимизнинг тинч

